

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
АХБОРОТ

النشرة
العلمية التحليلية

SCIENTIFIC-ANALYTIC
BULLETIN



1/2014

Таҳрир кенгаши:

Абдуллаев Р.В. (бош муҳаррир)	и.ф.д., проф.
Абдуҳалимов Б.А.	т.ф.д.
Аликулов Ҳ.	ф.ф.д., проф.
Аъзамхўжаев С.С.	т.ф.д., проф.
Иброҳимов Н.	фил.ф.д., акад.
Исломов З.М.	фил.ф.д., проф.
Камилов К.С.	ф.ф.н.
Махсудов Д.Р. (масъул котиб)	т.ф.н.
Мухтаров Т.А.	фил.ф.д., проф.
Назаров Қ.Н.	ф.ф.д., проф.
Шермухамедова Н.А.	ф.ф.д., проф.
Ҳасанов А.А.	т.ф.д., проф.

Таҳрир ҳайъати:

Абдуллаев А.Ғ.	т.ф.н., доц.
Абдуллаев А.Б.	ф.ф.н., доц.
Акмалов Ш.И.	с.ф.н., доц.
Арипова З.Ж.	т.ф.н.
Валиев Б.Н.	ф.ф.н., доц.
Зоҳидов Қ.Т.	т.ф.н.
Мансуров А.Д.	
Муродов Д.	т.ф.н.
Окилов С.Х.	т.ф.н., доц.
Содиқов З.	и.ф.н., доц.
Турсунов Н.Х.	техн.ф.н., доц.
Усмонов И.С.	т.ф.н., доц.
Раҳимжонов Д.О.	т.ф.н., доц.



Мундарижа

Сўзбоши	3
---------------	---

Филология масалалари

З.Исломов. "Атвоқу-з-заҳаб" асарининг Шарқ халқлари адабиётига таъсири	4
Т.А.Мухтаров. Особенности арабского фольклора	7

Фалсафий масалалар

Қ.Назаров. Ўзбек фалсафаси тарихимиз каби қадим, маънавиятимиз каби теран қадрият	12
Б.Тураев. Хоразмий – жаҳон интеллектуал цивилизацияси тараққиётининг ўзагини яратган мутафаккир	16
Д.Анварова. Маънавий таҳдидларни бартараф этишда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни.	19

Мозий ва алломалар мероси

Х.Сағдиев. Ислом улаомлари нигоҳида имом ат-Таҳовий сиймоси	23
Ҳ.Жўраев. Кардарлик буюк олимлар	28
А.Замонов. Бухоро хонлигининг ҳарбий тизими ва қўшин тузилиши (Шайбонийлар сулоласи даври)	31

Динишунослик (исломшунослик)нинг долзарб масалалари

Д.Махсудов. Талқинида ихтилофлар бўлган айрим оятларнинг таҳлили	36
Р.Уразова. Авестада маъбудалар функцияларининг тақсимланиш тамойиллари	40
А.Юнусов. Ибтидоий таълимотларда табиатга муносабатнинг ривожланиш босқичлари	43

Ҳуқуқий таълим ва иқтисод

З.Содиқов. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш тенденцияси ва унинг иқтисодий натижалари	47
Ж.Хатамов. Коррупция - жамият учун хавфли иллат	51
Н.Алимова. Исламский банк развития как главный проводник экономической политики Организации исламского сотрудничества	55
Г.Раҳимова. Андижонда экологик муаммоларнинг келиб чиқиши (1970-90 й.й.)	59
А.Ҳасанов. Илҳомжон Бекмирзаевнинг "Мовароуннаҳра қозилик ҳужжатлари: тарихий илдишлар ва таҳлили ёндашувлар" номи монографиясига тақриз	61
Н.Насруллаев. Манбалар ҳазинасида сақланаётган Алишер Навоий қўлёзмалари ҳақида	63

МАНБАЛАР ҲАЗИНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН АЛИШЕР НАВОИЙ ҚҮЛЁЗМАЛАРИ ҲАҚИДА

Тошкент ислом университети Манбалар ҳазинаси юртимиздаги мавжуд қўлёзма фондлари орасида алоҳида ўрин тутади. Мазкур фондга асос солингандан буён, ундаги китоблар сони тобора кўпайиб, ҳар томонлама бойиб бормоқда. Ҳазинада илк ўрта асрлардан бошлаб, то ҳозирги давргача бўлган турли соҳаларга оид асар матнларини учратиш мумкин. Китобларнинг аксарини қўлёзмалар ташкил қилса-да, лекин тошбосма китоблар сони жиҳатидан салмоқли ўрин тутади. Шунингдек, ҳазинада манбаларнинг замонавий илмий нашрлари ҳам мавжуд.

Ушбу мақолада ҳазина қўлёзмалари қаторидан ўрин олган ғазал мулканининг султони, маънавий мерос ривожига бекиёс ҳисса қўшган Мир Алишер Навоий (845/1441–906/1501) тасниф этган асарларнинг айрим нусхалари ҳақида сўз юритилади. Шоир ижодида муҳим аҳамият касб этган биргина “Ҳамса” асари таркибига бешта дoston, жумладан, “Ҳайрат ал-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” киритилган. Навоий ижодининг тадқиқотчилари томонидан мазкур дostonлар мазмунини халққа тезроқ етиб боришини мақсад қилиб, унинг насрий баёнлари ишлаб чиқилган. Марказий Осиёда матбаалар пайдо бўлиши эса, “Ҳамса”нинг насрий баёнлари қайта-қайта нашр этилишини таъминлаб берди. Шоирнинг терма девонлари 1888–1916-йиллар давомида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа йирик шаҳарларда бир неча марта нашр этилди.

Асрлар давомида Навоий шеърларини ўқиш, ёдлаш, куйлаш билан чекланиб қолмай, ибратли ғазалларидан намуналар, тўртликлар кўчириш ва кўчиртириш ишлари мунтазам амалга ошириб келинди. Бу эса, Навоий ижоди ҳар доим тадқиқ этишдан тўхтамаганини билдиради.

Бугун ҳазина шоир асарларининг инвентар №79/I, 109, 111/IV, 142, 208/I, 240, 257/II, 278, 291/I тартиб рақамларида сақланаётган жами тўққизта қўлёзмасига эга. Уларнинг барчаси маҳаллий котиблар томонидан XVII аср охиридан то XIX асрнинг иккинчи ярмигача кўчирилган нусхалардир. Масалан: инв.208/I рақамли қўлёзма шоирнинг “Девон”, 111 инвентарининг тўртинчи китобига “Фавоид ул-кибар”, инв.79/I рақамида “Ғазаллар”, 291/I “Ғаройиб ус-сиғар”, инв.142

рақамли қўлёзмада эса, Алишер Навоий девонлари “Ҳазойин ал-маоний” номида йиғилиб, унинг таркибига “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир аш-шабоб”, “Бадоеъ ал-васат”, “Фавоид ал-кибар” каби асарлар киритилган. Девон шоирнинг бутун ҳаёти давомида ёзилган шеърларини қамраб олган, уларда Алишер Навоийнинг барча даврларидаги кайфияти, дунёқараши, орзу-умидлари ифодалаб берилган. Бу қўлёзма жомеъ ал-мутун туркумидаги китоб бўлиб, унда “Ҳазойин ул-маоний” девонидан ташқари “Иншоот”, “Биноий Сулаймоний баёни”, “Улуми ҳақойиқий”, “Маҳбуб ал-қулуб”, “Луғоти алфоз” каби ўндан ортиқ асарлар қўшиб китобат этилган.

Инв.278 рақамида рўйхатга олинган қўлёзма “Ҳамса” таркибига киритилган “Ҳайрат ал-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” каби дostonларни ўзида жамлаган.

Инв.257/II рақамида асосан Мирзо Абдул Қодир Бедил (1053/1644–1133/1721)нинг “Девон”лари берилган бўлиб, қўлёзманинг 686 varaғидан 73a varaқларигача Абдурахмон Жомий ҳамда Алишер Навоийнинг форс ва турк тилларидаги ғазаллари битилган.

Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари замон талаби ва халқ оммасининг эҳтиёжи сабабли котиблар томонидан беш аср давомида мунтазам равишда кўчириб келинди. Шоирнинг терма девонлари Мовароуннахр ва унга қўшни ўлкаларнинг мактаб ва мадрасаларида адаб илмидан дарслик вазифасини бажарди. XV асрдан то ҳозирга қадар келаётган шоирларнинг барчаси Навоийни ўзларига устоз деб билдилар. Агар ижодларига назар ташласак, ўша шоирлар озми кўпми Навоий илгари сурган гоёлардан илҳомланиб, фаолият юритганини кўрамиз. Ушбу мақолада университет ҳазинасида сақланаётган Навоий асарларининг ўнга яқин қўлёзма нусхалари билан қисқача таништириб ўтишга ҳаракат қилинди. Ҳазинада мавжуд Алишер Навоий тасниф этган асарларнинг тошбосма нашрлари ҳалигача тасниф доирасига тортилмаган. Уларни илмий таҳлил этиш, фанлар бўйича ажратиш, тавсифлаш, уларнинг қисқа ва кенгайтирилган тавсифларини тайёрлаш ҳамда каталог шаклида нашр этиш галдаги долзарб вазифалар қаторида туради.

Неъматулло НАСРУЛЛАЕВ,

тарих фанлари номзоди